



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни Европа Иттифоқининг Европа комиссияси вице-президенти Маргаритис Схинас бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.



Учрашув аввалида ЕИнинг юқори даражадаги вакили давлатимиз раҳбарига Европа кенгаши раиси Шарль Мишель ва Европа комиссияси раҳбари Урсула фон дер Ляйеннинг саломи ва энг зғу тилакларини етказди.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама мулоқотлар, шу жумладан, иқтисодий, қонун устуворлиги, демократик янгиланишлар, инсон ҳуқуқлари, хавфсизлик ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорлик фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Шу ойда “Ўзбекистон — ЕИ” ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажми жадал ортимоқда, Европа етакчи компанияларининг илғор тажрибаси ва технологияларини жалб қилган ҳолда йирик инвестиция лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Таълим, хавфсизлик соҳаларида, терроризм ва наркотрафикка қарши курашиш борасида муҳим қўшма дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокараларни якунлаш ва уни тез фурсатда қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақа кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Бош вазири Имрон Хонни таваллуд кунини билан чин дилдан қутлаб, унга мустақкам соғлиқ, фаровонлик ва катта муваффақиятлар, дўст Покистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва раванг тилади.

Суҳбат чоғида олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш истикболлари кўриб чиқилди.

Мулоқотлар фаоллашгани, икки томонлама товар айирбошлаш кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсгани ва ишбилармонлар

ўртасидаги кооперация кучайгани мамнуният билан қайд этилди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, фармацевтика ва кимё саноати, тўқимачилик ва қурилиш материаллари тармоқлари, бошқа соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар минтақада йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Бўлажак учрашувлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК АЁЛИ ПОРТРЕТИ

ТЕНГЛИК, ИШОНЧ ВА ҚАТЪИЯТ ТИМСОЛИ

Ҳар қандай жамиятнинг асосий “кўзгуси” — шубҳасиз, бу хотин-қизлардир. Маълумотларга кўра, ер юзи аҳолисининг эллик уч фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам жаҳонда гендер муаммолари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда эса аҳолининг қарийб 50 фоизи хотин-қизлардан иборат. Уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари доим қонун ҳимоясида. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида ҳам “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар”, деб белгилаб қўйилган.

Давлатнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъи назар, ундаги аҳоли турмушининг фаровонлик даражаси, оилалар барқарорлиги, келажақ авлод — фарзандлар тарбияси, иқтисод, кўйинги, барча жабҳаларда

эришилган ютуқлар юрт тараққиётига хотин-қизларнинг қўшадиган ҳиссаси ва ўша жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.

▶ Давоми 2-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ХОРИЖ ЭКСПЕРТЛАРИ МУНОСИБ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон сўнгги беш йилликда иқтисодий кўрсаткичлари йил сайин барқарор ўсиб бораётган санокли давлатлардан бирига айланди. Буни иқтисодиётнинг турли йўналишлари бўйича эълон қилинаётган халқаро индексларда ҳам кўришимиз мумкин. Энг сўнгги технологиялар асосида аниқланадиган бу рақамлар хорижий экспертлар томонидан эътироф этилиб, ривожланиш йўлидаги юқори натижаларимиз чет давлатларни ҳам ҳайратга солмоқда.

Бу натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Давлатимиз раҳбари 2016 йилда ўзининг раҳбарлик лавозимига киришган чоғиданоқ Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, унинг халқаро даражадаги имижини яхшилаш, жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллаши борасидаги барча тўқинликларни бартараф этиш, изчил

ва тизимли ислоҳотларни амалга оширишга эътибор қаратди. Ўшадан бошланган катта ислоҳотларни амалга оширишда юртимизнинг салоҳияти ва имкониятлари, кўп миллатли халқимизнинг орзу-истаклари, халқаро майдонда юз бераётган ўзгариш ва тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асос қилиб олинди. Ўтган йиллар давомида мазкур стратегия доирасида 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Президент фармони ва қарорларининг қабул қилиниши ислоҳотларнинг кенг қамрови ва кўлаמידан дарак беради.

▶ Давоми 3-бетда

ТАҲЛИЛ

ДУНЁ БОЗОРИ САРИ ТАШЛАНГАН ҚАДАМ

Фарғоналик миришкорлар бу йил салкам 194 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт қилди



▶ 4-бетга қаранг.

АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА МАОНИЙ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

2020 йил 19 октябрда Ўзбекистон Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши маданий-маърифий ҳаётимизда улкан воқеага айланди. Ана шу тарихий ҳужжатнинг муқаддимасида бундай сўзлар битилган эди:

“Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўз асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустақкам ўрин эгаллади”.

Қарорда буюк мутафаккирнинг бебаҳо илмий-ижодий меросини ҳар томонлама ўрганиш ва бутун дунёда тарғиб қилиш, илгари сурган юксак ғояларини

ёшларимиз онги ва қалбига чуқур сингдириш борасида улкан вазифалар белгилаб берилди.

▶ Давоми 6-бетда





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистон тўқимачилик компаниялари делегацияси Польшада “Fast Textile” халқаро кўргазмасида иштирок этади



Жорий йил 1-3 декабрь кунлари Польша пойтахтидаги “Ptak Warsaw Expo” кўргазма майдонида Европадаги нуфузли халқаро тўқимачилик кўргазмаларидан бири — “Fast Textile 2021” бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиздаги 60 дан ортиқ тўқимачилик компаниясининг 130 нафар вакилидан иборат делегация иштирок этиши кутилмоқда.

Кўргазма доирасида Европа Иттифоқи мамлакатларида Ўзбекистон тўқимачилик ва чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг “савдо миссияси”ни ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг Варшавадаги элчихонаси маълумотига кўра, мамлакатимиз тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва Польша импорт компанияларининг мазкур кўргаз-

ма доирасидаги алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, ўзбекистонлик саноатчилар томонидан 2019 йил ушбу кўргазма доирасида 15 миллион долларга тенг шартномалар имзоланган бўлса, 2020 йилда экспорт битимлари миқдори 20 миллион долларни ташкил қилди. 2021 йилда эса 27-30 миллион долларлик келишувларга эришиш назарда тутилмоқда.

Жорий йил “Fast Textile 2021” кўргазмасида жами 1 минг 700 дан ортиқ компания ва 3 минг 300 нафар мутахассис иштирок этишга қизиқиш билдирган. Кўргазма стендлари ҳудуди 50 минг квадрат метрни ташкил этади. Ўзбекистон вакиллари 600 квадрат метр майдонда жойлаштирилаётган миллий стенд билан қатнашади.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўқимачилари Европа Иттифоқи давлатларида экспорт қилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг қарийб ярми Польша ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимиздан ип-калава, турли матолар, шунингдек, сумка, чойшаб, сочиқ сингари тайер маҳсулотлар юборилмоқда. Польша дўконларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган кўйлак, костюм ва бошқа кийим-кечак маҳсулотлари ҳам кўпайиб бормоқда.

Польшалик импортчилар ўзбек тўқимачилик маҳсулотларининг сифатидан мамнун. Бу Европа, жумладан, Польша бозорига уларга бўлган талаб ошишида муҳим омил бўляпти.

Кўргазма доирасида, шунингдек, Ўзбекистон, Польша ва бошқа мамлакатларнинг тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари вакиллари иштирокида конференция ташкил этиш, B2B ва G2B шаклида музокаралар уюштириш, Европадаги энг йирик ҳисобланган “GD International” Варшава тўқимачилик савдо маркази фаолияти билан танишиш ва у ерда семинар ўтказиш режалаштирилмоқда.

“Дунё” АА

Варшава

Тоомас Тирс: “ЎЗБЕКИСТОН — ШАРҚ МАРВАРИДИ!”

Эстониянинг Ўзбекистондаги Фавкулдда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Тоомас Тирс мамлакатимиз ташқи ишлар вазирига ишонч ёрлигини топшириш маросимидан сўнг ЎЗА мухбирига икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида кўзда тутилаётган саъй-ҳаракатлар ҳусусида қисқача сўзлаб берди.

— Мен бугун Эстониянинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида ишонч ёрлигини мамлакат ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов жанобларига топшириш шарафига муяссар бўлганимдан беҳад мамнунман.

Мақсадим — Эстония ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама манфаатли алоқани янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш. Бугунги кунда ўзаро муносабатларимиз уфқида улкан салоҳият мавжудлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Зеро, биз Ўзбекистон иқтисодийети жадал ривожланиб бораётганини кўряпмиз. Энг асосийси, мамлакат Марказий Осиёда ўзининг залворли ўрнига эга. Шу маънода ҳамкорлигимиз келажаги порлоқ эканлигига шубҳа йўқ.

Шериклик учун таклиф этиладиган йўналишлар кўп. Аънавий саналган транспорт, логистика соҳалари бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари алмашиш ҳар икки томон учун бирдек фойдали. Бундан ташқари, замонавий, янги тармоқлар, яъни рақамлаштириш, дигитализация, давлат бошқарувиغا электрон ҳукумат тизимини жорий этиш борасида Эстония яхшигина тажриба тўплаган. Ушбу йўналишлар бизда бундан 20 йил олдин ривожлана бошлаган. Ўзбекистон эса бу борадаги илғор хорижий тажрибани ўзлаштириш ва жорий этишга жадаллик билан киришган. Республика бу борада жуда кучли ва минтақада етакчилардан бири. Ниятим — фаолиятим даврида икки давлат бизнес тузилмалари, тадбиркорлари делегацияларининг икки томонлама ташрифи мунтазамлик касб этсин. Биз эса бунинг учун қўлай имконият яратишга ҳаракат қиламиз. Қисқаси, келажакка катта умид билан боқаямиз.

Албатта, туризм соҳаси икки томон учун ҳам ҳамкорликнинг энг муҳим соҳаларидан биридир. Ўз-



бекистонни шарқ марвариди сифатида яхши биламиз. Бу диёрда юзлаб тарихий ёдгорликлар, дунё аҳлини лол этган меъморчилик дурдоналари мавжуд. Биз эса сайёҳларга денгиз, тоза ҳаво ва бошқа турли шифобахш табиий маъданларни таклиф этамиз. Хуллас, ўзбекистонликларни Эстонияда кутиб қоламиз.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ
ёзиб олди.

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК АЁЛИ ПОРТРЕТИ

ТЕНГЛИК, ИШОНЧ ВА ҚАТЪИЯТ ТИМСОЛИ



Гулрух АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бошланиш 1-бетда

Бир замонлар аёлларга нисбатан заифа, ожиза деб қарашган. Бу сўзлар ҳозир ҳам онда-сонда учраб туради. Фикримизча, ҳеч бир даврда аёл ожиза бўлмаган ва ҳозир ҳам бундай эмас. Аёлга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уни асраш ва улуғлаш халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи давомида шаклланган менталитетнинг муҳим сифатларидан бири бўлиб, турмуш тарзимизнинг ўзига хос хусусияти сифатида сақланиб қолмоқда.

Шу билан бирга, улар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида самарали ва фаол меҳнат қилиб келяпти.

Инсоннинг ривожланиши ва демократлашишига доир устувор муаммолар муқаррар равишда эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тенгликка эришиш билан боғлиқ масалаларга бориб тақалади. Натижада хотин-қизлар макomini ошириш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш зарурати ву-жудга келади.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг эркаклар билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги маъқеини кучайтириш, сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, оналик ва болалик билан боғлиқ давлат сиёсати юритилаётгани борасида олиб борилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш мумкин. Бу, айниқса, бир қатор амалий натижаларда кўзга ташланади.

Биринчидан, ҳозирги кунда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда. Шу сабабли Бош қомусимизда белгиланган аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларнинг қадр-қимматини юксалтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир.

Хусусан, ўтган беш йилда юртимизда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясини тубдан кучайтиришга доир бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Айниқса, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлиликни, жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни кафолатлаши мустаҳкамлаб қўйилди. Бу саъй-ҳаракатлар аёлларнинг жамият ҳаётида фаоллиги орқали ўз ифодасини топаётгани ҳам аини ҳақиқат.

Иккинчидан, гендер тенглик бўйича институционал асослар кенгайтирилди. Бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенглигига эришиш стратегияси ишлаб чиқилди. Унда юртимизда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилишнинг аниқ мақсад ва манзиллари тизимли чоралар билан белгилаб берилди.

Жумладан, давлат органларида, нодавлат ва хусусий ташкилотларда, айниқса, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ юқори лавозимларда аёлларнинг тенг вакилликни таъминлаш сиёсатини тақомиллаштириш, жамоатчилик онгида эркаклар ва аёлларнинг ўрни ҳақидаги тушунчаларни ўзгариштиришга қартилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш каби масалалар миллат кун тартибидан ўрин олди.

Айнан шу масалаларни тартибга солиш мақсадида Парламентнинг юқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-кенгашлиари, шунингдек, Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Гендер тенглиги — аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият, қадрият ва натижа деганидир. Гендер тенглиги фақат аёлларга тааллуқли масала бўлмаддан у, эркаклар ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам англатади. Чунки жамият ҳар икки жинсдан гендер нормалари ва стандартларига мувофиқ ҳаракат қилишни кутади. Тенглик аёллар ва эркаклар бир хил бўлиб қолишни билдирмайди. Балки гендер тенглиги аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам манфаатлари, эҳтиёжлари ва устуворликлари ҳисобга олинганлини кўрсатади.

Агар рақамларга тўхталадиган бўлсак, аини вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи, Сенат аъзоларининг



“Хар қандай жамиятнинг асосий “кўзгуси” — шубҳасиз, бу хотин-қизлардир. Маълумотларга кўра, ер юзи аҳолисининг эллик уч фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам жаҳонда гендер муаммолари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда эса аҳолининг қарийб 50 фоизи хотин-қизлардан иборат. Уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари доим қонун ҳимоясида. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида ҳам “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар”, деб белгилаб қўйилган.

ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлири депутатларининг қарийб 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Бу билан, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда хотин-қизлар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламентлар ўртасида 37-ўринга кўтарилди.

Учинчидан, қизларнинг билим олиши давлат назоратига олинди. Мамлакатимизда қизларимиз тарбияси, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, замонавий билим ва ҳунарларни эгаллаши, иш жойига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрин топишига алоҳида аҳамият берилиши янги Ўзбекистон талабидир.

Бугун юртимиздаги талабаларнинг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йили йўлга қўйилган тизимга мувофиқ, 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қиз таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Эътиборлиси, бу кўрсаткичнинг йилдан-йилга мунтазам ошиб борилиши қатъий белгиланган.

Хусусан, 2021/2022-ўқув йилидан бошлаб

тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларни ҳудудий ҳокимликлар ҳамда давлат олий таълим муассасалари ҳисобидан ўқитиш тартиби жорий этилди.

Хорижий нуфузли таълим муассасаларига “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиялари асосида ўқишга юборилаётган стипендиатлар орасида хотин-қизлар улуши камида 20 фоизга кўпайтирилди. Қолаверса, боқувчисини йўқотган аёлларга фарзандини мактабга таълим ташкилотлари, шу жумладан, оилавий боғчаларга бериш харажатларини бюджетдан қўлаш тизими жорий этилмоқда.

Агар таълим соҳасининг 70 фоизи хотин-қизлар эканлигини ҳисобга олсак, замонавий таълимни ташкил қилиш учун хотин-қизларнинг асосий ижтимоий моҳияти уларнинг ушбу жараёнга самарали ҳисса қўша олиши билан баҳоланади. Бунинг учун уларни, аввало, оилада, мактабга таълим муассасаларида, мактаб ва олий таълим даргоҳларида, мактабдан ташқари таълимда доимо замонавий талаблар доирасида билим олишларини таъминлаш лозим.

Тўртинчидан, юртимизда дунёда ўхшаши йўқ “Аёллар дафтари” жорий қилинди. Бу орқали юзлаб, минглаб ижтимоий ҳимояга муҳтож,

кам таъминланган аёллар қўллаб-қувватланиб, бандлиги таъминланаяпти. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлигини сақлаш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, уларга меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш ҳамда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга мақсадли ёрдам бериш мақсадида Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси қайта ташкил этилди.

Эндиликда, мазкур жамғарма томонидан аёлларга уй-жой шароитини яхшилаш учун уй-хотларнинг бошланғич бадали тўлаб берилади, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар молиялаштирилади. Хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларига ресурс маблағлари белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жамғармага ҳар йили бюджетдан 300 миллиард сўмгача пул ва турли имтиёзларнинг берилиши ҳам Ўзбекистонда хотин-қизларни ёзозлаш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланганига яққол мисолдир.

Бешинчидан, фаол хотин-қизларни рағбатлантириш тизими яратилди. Ҳар жабҳада фаол, серқирра фаолият эгаси бўлган, шунингдек, мамлакатимизда оналик ва болалик муҳофазаси ва оилалар мустаҳкамлигига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизлар учун Юртбошимиз томонидан “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тавсия этилган икки нафардан иқтидорли қизларга берилиши белгиланди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Замонавий билим ва таъъдодга, етакчилик қобилиятига эга, эл-юртимиз учун фидойий хотин-қизларимиз — халқимиз, миллатимизнинг олтин фонди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайдми”.

Шу ўринда савол туғилади, бугунги ўзбек аёли ким: бошқарувчиси ё бўйсунувчи, эргашувчиси ё эргаштирувчи? Замонавий ўзбек аёли портретини қандай чизгилар билан бойитиш мумкин? Албатта, ёрқин ва ишончли ранглар, қатъиятли фазилатлар билан.

Чунончи, бугуннинг аёли — янги Ўзбекистонни кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айлантиришга шай турган, ўз сўзи ва овозига эга ватандошимиздир. У энди ортага қайтмайди, балки ривожланишини орта сурганни ўз измидан эргаштира оладиган, ҳақ йўлдан бораётганлигимизга инонтари оладиган кучдир.

Ҳар томонлама фаол ва оқила, доно, изланувчан, замонавий аёл меҳнатидан, салоҳиятидан нафақат унинг оиласи, балки бутун жамият манфаатдор бўлиши аини ҳақиқатдир. Зеро, биз қураётган Янги Ўзбекистоннинг юқини дадил кўтариб, унинг пойдеворини мустаҳкамлаб турадиган асосий куч — жамиятимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро, шу жумладан, хотин-қизлар эканлигини унутмаслигимиз лозим.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ХОРИЖ ЭКСПЕРТЛАРИ МУНОСИБ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА

Қўнғиротбой ШАРИПОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори

Бошланиши 1-бетда

2021 йил мамлакатимиз ва жаҳон тарихига Ўзбекистонда янги Президентлик сайловлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига ўтиш даврининг бошланиши сифатида кирди. Давлатимиз раҳбарининг сайловолди дастуридаги тадбирлар орқали мамлакатни ривожлантиришнинг янги — Тараққиёт стратегияси белгилан берилди. Унинг таркибидан ўрин олган асосий йўналишлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимизни инсон қадри астувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат сифатида ҳар томонлама юксалишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ҳаракатлар стратегияси асосида бошланган ислохотлар Тараққиёт стратегияси орқали изчил давом эттирилиб, барча соҳаларда янада юқори марраларни забт этиш кўзланган.

Шу ўринда, ўтган беш йилда иқтисодиётда кўлга киритилган ютуқларимизга назар солсак. Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан сўнг узок йиллар давомида йиғилиб қолган ҳамда ўша даврда тўб ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда тўқтинлик қилиши мукаррар бўлган жиддий муаммолардан бири — бу валюта бозорининг бозор талабларига мувофиқ келмаслиги эди. Жумладан, ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ўз валюта ресурсларини эркин тасаруф эта олмастликлари, хорижий валюта тушумларининг 50 фоизини Марказий банкка расмий курс бўйича сотиш мажбурияти ҳўжалик юртувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларига зид экани, жисмоний шахсларнинг халқаро пластик картадаги хорижий валютани нақд пул кўринишида ечиб олиш механизмининг мавжуд эмаслиги, иқтисодиётда муомала учун нақд пул етишмаслиги каби ҳўлатлар нафақат янги иқтисодий ислохотларни бошлаш, балки мезўрдаги ҳўжалик алоқаларини юритиш учун ҳам имкон бермасди.

Шунга қара, Президентнинг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сисёатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан мамлакатимизда валюта муносабатларини тартибга соладиган ҳамда юридик ва жисмоний шахслар учун хорижий валютани эркин сотиш ва сотиб олишга имкон берадиган янги бозор механизмининг жорий қилиш бошланди. Валюта сисёатини ислох қилиш ўшбу йўналишдаги биринчи зарурий қадам бўлиб, ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан пул-кредит, солиқ-бюджет ва иқтисодий сисёатнинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган саяё-ҳаракатлар самарасига боғлиқ эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, “...валюта соҳасини либераллаштириш мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш бўйича ҳам қатор янги имкониятлар яратди. Масалан, юридик шахслар товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатлари каби тўловларни амалга ошириш учун хорижий валюталарни чекловсиз сотиб олиш имкониятига эга бўлишди”.

ЎЗБЕКИСТОН ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТДА ЎСИШГА ЭРИШГАН САНОҚЛИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ

Ўтган даврда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг тўғрилиги ва таъсирчанлигининг умумий ва яққол курсаткичларидан яна бири сифатида юлпи ички маҳсулотнинг ўшиш суръатини келтириш мумкин. Зеро, сўнгги беш йилда мамлакатимизда иқтисодиётнинг ўшиш суръатлари 24 фоиз (ўртача йиллик 4,8 фоиз)ни ташкил этди. Ҳўбуки, жаҳонда 2019 йилда бошланган коронавирус пандемияси ўтган йили кўплаб мамлакатлар иқтисодиётини фалаж ҳўлатига тушириб қўйганди. Жаҳон банкнинг маълумотларига кўра, “коронавирус билан боғлиқ глобал инқироз сабабли 2020 йилнинг ўзида жаҳон ЯИМ ўшиш суръати рекорд даражадаги пастлаш — 3,6 фоизни ташкил этди. Бу маъкур кўрсаткич билан боғлиқ кузатишлар тарихидаги (1960 йилдан бошлаб) ЯИМ суръатининг максимал даражадаги пасайишидир”.

Бу борадаги манзарани янада яққолроқ тасаввур қилиш учун таъкидлаш мумкинки, ялпи ички маҳсулотнинг ўшиш суръати бўйича рўйхатда келтирилган 182 та мамлакатдан 3 тасида 0 фоизли, 142 тасида эса манфий ишорали кўрсаткич қайд этилган. Худди шундай мураккаб



шароитда Ўзбекистонда пандемияга қарши самарали кураш чоралари ўз вақтида кўрилиши эъазига 2020 йилда 1,6 фоизли ўшиш суръатлари сақланиб қолинди.

Айниқса, миллий иқтисодиётимизни замонавий асосга ўтказиш, жумладан, реал сектор тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ривожлантиришни рағбатлантириш ўтган даврдаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бир бўлди. Жумладан, 2017-2020 йилларда барча манбалар ҳисобидан ўзлаштирилган 716 триллион сўмлик инвестицияларнинг қарийб 65 фоизи саноат ва инфратузилма лойиҳаларига тўғри келди. Бунинг натижасида мазкур даврда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 34 фоизга ўсиб, тармоқнинг ЯИМдаги улуши 26 фоиздан 36 фоизга этди.

Иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини барпо этиш, юқори қўшилган қиймат занжирини ҳўсил қилувчи техник ва технологик линияларни ишга тушириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириш фаол инвестиция сисёатини тақозо этади. Шунга кўра, бевосита давлатимиз раҳбарининг саяё-ҳаракатлари асосида иқтисодиётга йирик хорижий инвесторларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган давр мобайнида ўшбу йўналишга инвестиция киритадиган давлатлар сонининг 50 дан ошиши, хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сонининг 1 371 тага етишига эришилди. Республика бўйича умумий қиймати 1 690,3 миллион АҚШ доллар бўлган 281 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 25 мингдан ортқ иш ўрни яратилди. Мамлакатимизда молия бозорини ривожлантириш мақсадида икки марта — беш йиллик 500 миллион долларлик (йиллик фоиз ставкаси 4,75 фоиз) ҳамда ўн йиллик 500 миллион долларлик (йиллик фоиз ставкаси 5,375 фоиз) евро облигациялар Лондон фонд биржасига қўйлаштирилиб, халқаро молиявий бозорга қўйлаш муваффақ бўлинди.

Иқтисодиёт реал тармоқлари салоҳиятидан фойдаланиш, айниқса, саноат қайта ишлаш даражасининг ўсиши мамлакатнинг турли товар ва хизматларга бўлган ички эътиёжини қондириш билан бирга, уларнинг чет мамлакатларга экспорт ҳажмининг ўсишига имкон яратди. Бунда ташқи савдо фаолиятини либераллаштириш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилди ва тегишли натижаларга эришилди. Ички бозор учун зарур бўлган 8 мингдан зиёд турдаги импорт товарлари учун боғхона божи кескин камайтирилиб, импорт божи бўйича 3 550 ва акциз солиғи бўйича 1 122 турдаги маҳсулот учун ноль даражали ставка белгилангани, Экспортни кўллаб-қувватлаш жамаъармаси ташкил этилиб, унга 100 миллион АҚШ доллари ажратилгани шулар жумласидан.

Яна бир қўлайлик, Ўзбекистон Европа комиссиясидан “GSP+” Преференциялар бош тизими плус бенефициар мамлакатни макомини олишти натижасида “GSP+” тизими орқали 6000 дан ортқ турдаги маҳсулотни бож тўловисиз экспорт қилиш имкони яратилди, экспорт номенклатураси 74 та янги турдаги маҳсулот, географияси 42 мамлакатга кенгайди.

“Ягона дарча” тамойили бўйича экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш учун миллий веб-сайт ишга туширилди. Бу эса электрон сўров юбориш ва турли рухсат берувчи ҳўжатларни, шу жумладан, товар келиб чиқиш сертификати ва фитосанитария сертификатларини тўлаш имконини беради. Ўшбу янги механизмларнинг жорий этилиши билан экспорт ҳўжатларини расмийлаштиришнинг умумий вақти 174 соатдан 96 соатгача камайди. Натижада Ўзбекистоннинг “Doing Business” — Бизнес юритиш рейтингидagi “халқаро савдо” индикатори кўрсаткичлари 2016 йилдаги 44,3 баллдан 2020 йилда 58,2 баллга яхшиланди.

“

Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва бошчилигида ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегиясининг йўналишлари ва кўлами нийоятда кенг қамровли бўлиб, улар таркибидagi ислохотларнинг изчиллиги ва муштараклиги бу борада эришилаётган натижалар салмоғининг ҳам юксак бўлишига эъмин яратмоқда. Янги Ўзбекистоннинг янги стратегияси халқимизни ягона мақсад — эркин ва фаровон ҳаётни таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш ва муносиб шароит яратиш йўлида жиҳслашиб, биргаликда фидокорона меҳнат қилишида ўзига хос дастуриламал ҳамдир.

Юқоридagi чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ўтган беш йил давомида ташқи савдо айланмаси ҳажми 1,5 баробарга ўсгани ҳам қувонарлиқ курсаткич. Ташқи қилинаётган давр мобайнида жорий нархларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 4,1 баробар, аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 3,8 баробар, хорижий инвестициялар ҳажми 4,8 баробарга ортгани кузатилган.

КИЧИК БИЗНЕС УЧУН ҚЎЛАЙ МУҲИТ

Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга иқтисодий сисёатнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Маълумки, кичик бизнеснинг ривожланиши иқтисодиётдаги жўшқинлик ва самарали рақобат муҳити учун қўлай шарт-шароитларни яратиш, истеъмол секторини кенгайтириш орқали талабни рағбатлантириш, истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдиретиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бюджет тушумларини кенгайтириш учун имкон яратади. Бу



“

Ўтган вақт давомида кичик тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама кўллаб-қувватланганига гувоҳимиз. Уларнинг фаол ва эркин ишлаши учун катта шарт-шароитлар яратилгани ҳам бор гап. Буларнинг натижасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони деярли 2 баравар ўсиб, 2016 йилдаги 210,6 минг бирликдан 2020 йилда 411,2 минг бирликка этди. Умумий корхона ва ташкилотлар таркибидa кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши ўтган йил кўрсаткичларига кўра, 86,5 фоизга қадар ўсди.

давлатимиз раҳбарининг 2019 йилда Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги “Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва иштиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз”, дея таъкидлаган сўзларида ҳам ўз аксини топади.

Ўтган вақт давомида кичик тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама кўллаб-қувватланганига гувоҳимиз. Уларнинг фаол ва эркин ишлаши учун катта шарт-шароитлар яратилгани ҳам бор гап. Буларнинг натижасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони деярли 2 баравар ўсиб, 2016 йилдаги 210,6 минг бирликдан 2020 йилда 411,2 минг бирликка этди. Умумий корхона ва ташкилотлар таркибидa кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши ўтган йил кўрсаткичларига кўра, 86,5 фоизга қадар ўсди.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, ўз навбатида, хусусий секторни кенгайтириш ҳамда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш жараёнларига ижобий таъсир қўсатди. 1 691 та кичик корхона фаолияти йўлга қўйилиб, 27 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Ҳўзирда ўшбу корхоналарда 1,7 триллион сўмдан ортқ қийматдаги маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати мавжуд. Республикада фаолият

кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар сони 21 тага этди. 150 та кичик саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, изчил ва тўб ўзгаришларга асосланган ўтган беш йилда иқтисодий соҳада кўплаб ислохотлар амалга оширилиб, юксак натижалар кўлга киритилди. Мазкур ислохотларнинг чуқур ва ҳар томонлама уйлангани, пухталиги, изчиллиги каби муҳим тамойилларга асосланган уларнинг юқори натижасини ҳамда муваффақиятли амалга оширилишини таъминлади.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ “ДРАЙВЕР” СОҲАГА АЙЛАНДИ

Бугун давлатимиз ўзининг янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни ривожлантиришнинг 7 та йўналиши бўйича Тараққиёт стратегияси кейинги беш йилликда амалга ошириладиган ислохотлар ва эришиладиган катта ютуқларни назарда тутди.

Янги Ўзбекистон тамойилига мос ва хос бўлган стратегиянинг асосий йўналишларида қўринадики, уларнинг



“даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига киришига асос бўлади. Давлатимиз раҳбари ўшбу жараёнинг осон эмаслигини таъкидлаб, “Бунга эришиш учун, аввало, иқтисодиётда илм ва инновацияларга асосланган ривожланиш ҳисобидан янги технологиялар ва қўшилган қиймат занжирини кўпайтириш орқали меҳнат самарадорлигида тўб ўзгаришлар қилишимиз шарт”лигига алоҳида урғу берди.

Тараққиёт стратегияси ҳақида гап бортганда, унда кейинги беш йил давомида жуда катта иқтисодий ўзгариш ва натижаларга эришиш белгилаб қўйилгани шунчаки истак эмас, балки аниқ вазифаларга асосланган улкан ислохот эканлигини таъкидлаш жоиз. Бунда, энг аввало, мамлакатнинг етакчи реал сектор тармоқлари, айниқса, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг жадал суръатларда оширишга эътибор қаратилади. “Драйвер” соҳаларда “хомашёдан — тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида саноат кластерлари тизимини ривожлантириш орқали меҳнат унумдорлигини камида 2 марта ошириш кўзда тутилган. Натижада ўшбу даврда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,4 баробар ошишига эришилди.

Жумладан, юртимизда мис саноати кластерини ташкил этиш орқали келгуси беш йилда мис ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 2 марта кўпайтириш ҳамда 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш, табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга ошириш орқали кимё саноатида 2 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилишига асос яратилиши кўзда тутилган.

Белгиланган вазифалар қаторида рақамли иқтисодиётга ўтишни янада жадаллаштириш ҳам бор. У илм ва инновацияларга асосланган янги иқтисодиётни барпо этишнинг асосий шартларидан бири сифатида эътироф этилади. Бу борада рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириш ҳамда унинг ҳажмининг камида 2,5 баробар ошириб, 4 миллиард долларга етказиш, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмининг 5 марта, уларнинг экспортини эса 10 мартага ошириб, 500 миллион долларга етказиш, ҳар бир хонадон ва ижтимоий муассасанинг мақсад нархда юқори тезликдаги интернетга уланishi, магистраль автомобиль йўллари 100 фоиз мобил алоқа ва интернет билан қамраб олинишини таъминлаш кабилар белгиланган.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ЭКСПОРТ ҲАЖМИ БИР НЕЧА БАРОБАРГА ОШАДИ

Маълумки, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш иқтисодий ислохотлар жараёнидаги бош вазифалардан бири сифатида белгиланиб, 2020 йилдан бошлаб инфляциявий таргетлаш тизимини жорий қилишга ўтилган эди. Бунда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Марказий банк ва Молия вазирлиги томонидан иқтисодий ўсиш билан инфляция ўртасида мувозанатни таъминлаш қилишга чора-тадбирларнинг ишлаб чиқишига устуворлик қаратилган. Мазкур устуворлик янги стратегияда ҳам ўз дозарблиги ва мавқеини сақлаб қолади. Хусусан, 2023 йил охиригача инфляция даражасини 5 фоизга тушириш,

давлат бюджетни тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,5 фоиздан ошмаслигини таъминлаш кўзда тутилган.

Иқтисодиётда етарли даражадаги фаоллик ҳамда барча тармоқ ва соҳаларга инвестицион ресурсларнинг самарали тақсимланишини таъминлаш борасида хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегияси қабул қилиниши мўлжалланмоқда. Мазкур жараёнга тизимли ёндашиш асосида келгуси беш йилда камида 70 миллиард долларлик хорижий инвестицияларни жалб этиш чоралари қўйилди. Эътиборли жиҳати, инвестициялар жалб қилишнинг самарали дастағи сифатида фонд бозори ҳажми 7 миллиард долларга етказилди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий барқарорлиги ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда тайёр маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш орқали мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, янги Стратегияда кейинги беш йил мобайнида мамлакатнинг экспорт салоҳиятини 1,7 баробар ошириб, 2026 йилда 30 миллиард долларга етказиш мақсади қўйилган. Айниқса, Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида 2 мингдан зиёд турдаги тайёр маҳсулот экспорт қилинишининг йўлга қўйилиши экспорт таркибидa тайёр маҳсулотлар ҳажмининг 2,5 баробар ошишига имкон беради.

Ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини кўтаришда эса хусусий секторнинг ролини ошириб бориш муҳим йўналишлардан биридир. Бу борада кейинги беш йил ичидa хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга, экспорт бўйича эса 60 фоизга етказиш чора-тадбирлари белгиланган. Айниқса, ишбилармонликни янада кўллаб-қувватлаш борасида шу йилнинг 20 августидa Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказилган очиқ мулоқоти доирасида шакллантирилган 7 та йўналиш бўйича 60 га яқин янги ташаббус ва таклифларни назарда тутувчи дастурнинг амалга оширилиши бир томондан, иқтисодиётда хусусий тадбиркорлик фаолиятининг янада кенгайишига олиб келса, бошқа томондан, хусусий сектор улушининг аҳамиятли даражада ўсишига имкон яратади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантиришда самарали солиқ механизмларини шакллантиришга янги Тараққиёт стратегияси доирасида алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, 2022 йилдан бошлаб корхоналарнинг мол-мулк солиғи ставкасини 2 фоиздан 1,5 фоизга камайтириш ва бу орқали 500 миллион сўм маблағни тадбиркорлар ихтиёрида қолдириш, 2023 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга тушириш, юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириш асосида ягона кўчмас мулк солиғини жорий этиш каби бир қатор имтиёз ва енгилликлар кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва бошчилигида ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегиясининг йўналишлари ва кўлами нийоятда кенг қамровли бўлиб, улар таркибидagi ислохотларнинг изчиллиги ва муштараклиги бу борада эришилаётган натижалар салмоғининг ҳам юксак бўлишига эъмин яратмоқда. Янги Ўзбекистоннинг янги стратегияси халқимизни ягона мақсад — эркин ва фаровон ҳаётни таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш ва муносиб шароит яратиш йўлида жиҳслашиб, биргаликда фидокорона меҳнат қилишида ўзига хос дастуриламал ҳамдир.

ТАҲЛИЛ

Вилоятдаги деҳқон ва боғбонлар саъй-ҳаракати билан жорий йилда 265 минг тоннадан ортиқ сархил мева-сабзавот етиштирилиб, 193,4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бу Ўзбекистондан хориж бозорларига чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг каттагина қисмини ташкил этади.

ДУНЁ БОЗОРИ САРИ ТАШЛАНГАН ҚАДАМ

Фарғоналик миришкорлар бу йил салкам 194 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт қилди

Бунга осонликча эришилмаган. Аввало, мева ва сабзавот етиштиришга ихтисослашган деҳқончилик хўжаликлари сони ортди. Маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш бўйича тизимли чоралар кўрилди. Хориж бозорларини ўрганишга қаратилган маркетинг тадқиқотлари ўтказилди.

Тан олиб айтиш керакки, мева-сабзавотни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳадаги энг оғирликлари масала. Чунки маҳсулотни фақат ички бозорларга йўналтириш билан меҳнатга яраша даромад топиш осон кечмайди. Айниқса, пишиқчилик мавсумида маҳсулот нархи тушиб кетади. Ман-фаатдорлик бўлмаган жойда эса соҳа ривожланмайдиган. Эндиликда бу эски тизимдан буткул воз кечилди.

Ўзи етиштиради, ўзи хорижга сотади

— Дунё бозориде саховатли заминимизда етиштирилган мева ва сабзавотларга талаб юқори, — дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Абдуқаҳҳор Қодиров. — Лекин уларни белгиланган талаб ва тақилфлар асосида миқозларга етказиб бериш катта масъулият. Шу мақсадда, илғор давлатлар тажрибаси асосида мева-сабзавотчилик йўналишида кластерлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Айни кунда Кува, Бешариқ, Учқўприк, Фарғона, Олтиариқ туманларида, Қувасой шаҳрида мева ва сабзавот йўналишида 19 та кластер иш бошлади. Бу йил давомиде 200 миллион доллардан ортиқ маҳсулот экспортини амалга ошириш имконини бермоқда. Эндиликда фермерлар тақлифидан келиб чиқиб, ҳудудларнинг иқлим ва тупроқ шароитлари, аҳоли тажрибаси инобатга олинган ҳолда, кластерлар ихтисослашувида эътибор қаратилган. Жумладан, Кува туманида анор, шафтоли, гилос ва ўрик боғлари, гул қўчатчилиги плантация усулида ташкил этилди. Қувасой шаҳридаги кластер гилос, Фарғона туманидагиси эса малина етиштиришга ихтисослаштирилмоқда. Бу харид қилувчилар талаб ва истаклари

бўйича бир хил нав ва кўринишга эга бўлган сифатли маҳсулотларни етказиб беришда кўл келмоқда. Авваллари экспортга йўналтирилган мева-сабзавотлар боғ ва ҳудудларда турлича усулда етиштирилган. Натижада уларнинг сифати, ҳажми ва нархида тафовутлар юзага келган. Эндиликда бу ҳаётларга барҳам берилди. Кластерлар ўзи экспортбоп маҳсулот етиштиради, қайта ишлайди ва бозорга чиқаради.

Бугунги кунда вилоятда 8 та логистика маркази муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бу экспорт салоҳиятини ошириш ва географиясини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда Россия, Қозғистон, Қирғизистон давлатларида “Фарғона” савдо уйлари ташкил этилиб, логистика марказлари орқали маҳсулот етказиб берилмоқда.

Пистазорлар кенгаймоқда

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 ноябрдаги “Фарғона вилоятида интенсив технологияларга асосланган боғ ва тоқзорлар барпо этиш лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон, Олтиариқ, Кува туманлари ва Қувасой шаҳрида 2000 гектар майдонда қиймати 38,6 миллион АҚШ долларига тенг интенсив технологияларга асосланган боғ ва тоқзорлар барпо этилмоқда. Лойиҳага кўра, янги боғлар фойдаланишдан чиққан экин майдонларида ташкил қилинди. Яъни томчилатиб сўғориш усулида янги боғлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Айтиш керакки, Фарғона қир-адирликлари пистачиликни ривожлантириш учун қўлай жой ҳисобланади. Хусусан, Риштон туманидаги “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғинига ёндош, фойдаланилмаётган шундай тепаликларда 300 гектарлик пистачилик кооперацияси ташкил этишга киришилди.

— Янги лойиҳа икки босқичда амалга оширилмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Баҳодир



Абдурахмонов. — Биринчи босқичда 180 гектар ерни ўзлаштириш режалаштирилган. Айни кунда янги сув қудуқлари қазилди, томчилатиб сўғориш технологияларидан фойдаланиш ва бошқа зарурий инфратузилма тармоқлари олиб келиш билан боғлиқ лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда. Дастлабки босқичда 400 нафардан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Зоҳидонлик тадбиркор Қодирали Қосимов бу борада ўзига хос тадқиқотлар олиб бормоқда. Унинг уч йил аввал 2,5 гектар ерда ташкил этган писта қўчатлари бугун баравж ўсмоқда. Бу ерда дўлана, акбарий, аҳмади нави 1000 тупдан ортиқ қўчат бор. Пайвандлаш йўли билан экилган ниҳоллар келаси йил ҳосилга қиради.

— Писта дарахтининг ўсиш суръати секин, илдири 60-70 метр чуқурликкача бориб, минг йилгача ҳосил беради. Сувсизликка чидамли. 11-12 йилда ҳосилга қиради, — дейди Қодирали Қосимов. — Шу боис, писта данакларидан униб чиққан ниҳолларга янги нав писта дарахтидан олинган шох ва қуртақларни пайвандлаш муҳим ҳисобланади. Қўчатларни эрта баҳорда искана, ёз мавсумида қуртак усулида пайвандлаш мақсадга мувофиқ. Шу йўл орқали ундан тўрт йилда ҳосил олинади.

Бу шунчаки рақамлар эмас

Мева ва сабзавот маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва сифати унинг навиға боғлиқ. Шу боис ҳам, вилоят деҳқонлари бунга алоҳида эътибор қаратади. Қолаверса, бундай нави қўчатларнинг бозори чаққон.

Таҳлилларга кўра, фарғоналик боғбонлар қўшни вилоят ва хорижий давлатларга ҳар йили 25 миллион тупдан ортиқ мева ва манзарали дарахт қўчатлари етказиб беради. Айниқса, қўчатчилик йўналишида иш олиб бораётган фермер хўжаликлари томонидан ярим пакана мева қўчатлар етиштириш йўлга қўйилган вилоятга четдан қўчат олиб келиш ҳажмини 80 фоизга қисқартирди. Бу йил давомиде 1,2 миллион доллар мабалағни тежаш имконини бермоқда.

— Гилос, хурмо, анор, шафтоли, олпа қўчатларнинг пакана навлари маҳаллий шароитда етиштиришда туркиялик мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб бораёلمиз, — дейди қишлоқ хўжалиги бошқармаси боғдорчилик ва иссиқхоналарни ривожлантириш бўлими бошлиғи Авазбек Зунунов. — Хусусан, Туркиянинг “Тангриберди қўчатчилиги” ширкати вакиллари билан 500 гектар майдонда қўчатчилик кластерини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Лойиҳага кўра, бир йилда 1,5 миллион дон мева қўчати етиштирилади. Хозирда бир туп мева қўчати четдан олиб келиш ўрта ҳисобда 6 долларга тушмоқда. Агар бу қўчатни маҳаллий шароитда етиштирсак, унинг тананархи 3 долларгача арзонлайди.

Дарҳақиқат, вилоятда боғ яратишнинг 3 та усулидан самарали фойдаланилмоқда. Бу данакли, қаламчали ва қўчат усули. Хусусан, қувалик боғбонлар данакли боғни ташкил этиш иқтисодий ҳамда агротехник томондан жуда арзон ва ишончли эканлигини амалда исботлади. Бир гектар данакли боғ яратиш учун 1,5-2 миллион сўм сармоа керак бўлади. Жорий йилда Фарғона туманида

100 гектар майдонда данакли мева-саларнинг интенсив қўчатларини етиштириш плантациялари ташкил этилди.

Муваффақиятлар олға ундайди

Вилоятдаги мавжуд ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, экспорт ҳажмини ошириш ҳамда мева-сабзавот етиштиришни йилга 8-10 фоизга кўпайтириш ва қўшимча 300 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш имконияти бор. Жумладан, 2020 йилда сўғориш тизимлари ишдан чиққан экин майдонларини қайта ўзлаштириш орқали 1000 гектар майдонда озиқ-овқат экинлари ва 1,5 минг гектар майдонга чорва учун экинлар жойлаштирилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини 30 фоизга ошириш учун янги имкониятлар изланмоқда. Бунинг учун маҳсулотларни сақлашга ихтисослашган омборлар ҳажмини яна 100 минг тоннага ошириш, маҳсулотларни кеч кузгача сақлаш ва қиш мавсумида экспортга чиқариш, сабзавот етиштиришнинг интенсив усулларида самарали фойдаланиш, эртаки маҳсулот етиштириш ва экспорт қилиш учун деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқаларида 26 минг 253 гектар майдонда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотлари етиштириш устида қизгин иш олиб боришмоқда.

Жорий йилда Россияга амалга оширилаётган экспорт ҳажми 143 фоиз, Хитойга 175 фоиз, Туркияга 183 фоиз, Қозғистонга 183 фоиз, Афғонистонга эса 2,3 марта ортди. Экспорт географияси Австрия, Гватемала, Доминикан Республикаси, Канада, Шимолий Македония ва Чили давлатлари ҳисобиға кенгайиб бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ТУРИЗМ

“САЙЁҲ – 2021” ХАЛҚАРО ФОРУМИ

туристларнинг истеъмолчилик ҳуқуқлари ҳимояси мавзусига бағишланди



SAYYOH 21
International Forum
on Consumer Rights
Protection in Tourism

Қадим Хива шаҳрида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган “Сайёҳ — 2021” халқаро форуми якунига етди. Мазкур форумга халқаро истеъмолчилар ташкилоти — Consumers International делегацияси, шунингдек, дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатларидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларининг вакиллари, халқаро экспертлар ташриф буюрди, қирқдан зиёд давлат вакиллари онлайн қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда сўнгги йилларда туризм тезкорлик билан ривожланаётгани, шу билан бирга, сайёҳлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бирламчи вазифа сифатида белгилангани, тизимда халқаро стандартларга мос барча шароитлар яратилганини таъкидлади.

Халқаро форум иштирокчилари қадим шаҳардаги меъморий-маданий ёдгорликлар, меҳмонхоналарда ҳамда сайёҳлик тизимига кирувчи барча



объектларда яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Пандемия сабаб сайёҳлик тизимиға ҳам катта зиён етди. Бу эса, ўз навбатида, сайёҳликдан катта даромад оладиган давлатлар иқтисодийётиға сезиларли зарар келтирди. Пандемия

юмшаши асносида сайёҳлар оқимида янада ўсиш кузатиляпти.

— Ҳар бир сайёҳ, аввало, оддий истеъмолчи, — дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси ўринбосари Инъомжон Тоғаев. — Демак,

унинг истеъмолчи сифатида ҳуқуқини ҳимоя қилиш бевосита масъул идоралар зиммасида. Анжуманда бу борадаги фикрлар алмашилди. Туристлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муаммолар, уларга ечим топишда жохон тажрибаси тўғрисида халқаро экспертларнинг тақлифлари эшитилди. Оддийгина бир мисол: сайёҳлик тизимида ҳам “трансчегаравий муаммолар” атамаси мавжуд. Айнан шу муаммо бўйича сайёҳлардан кўп муурожаатлар тушади. Айтайлик, бир сайёҳ қайси-бир мамлакатга бориши учун бир эмас, учта давлат ҳудудидан ўтишига тўғри келади. Ёки сайёҳ бирданига қўшни булган учта давлатга ташриф буюриш ниятида. Ана ўша пайтда трансчегаравий ҳамкорлик масаласи ўртага чиқади. Бу дегани, сайёҳлик биргина давлатга боғлиқ бўлган фаолият тури эмас. Анжуман якунида айнан ушбу платформа бўйича форум иштирокчиларининг баёноти қабул қилинди.

— Форум доирасида муҳокама қилинган масалалардан кўзланган мақсад хавфсиз туризм концепцияси барқарорлигини таъминлашдир, — дейди Евроосиё иқтисодий комиссиясининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Лидия Осавленко. —



Бу борада юртингизда жохон стандартларига мос барча шароитлар яратилгани, ташриф буюраётган сайёҳларга авиа, поезд, бошқа транспортлар орқали хизмат кўрсатиш тизими мукаммал жорий қилинганига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, сервис соҳаси ҳам эътиборга лойик. Бу ҳақда халқаро экспертлар ўз эътирофларини билдиришди. Аслида сайёҳлар борадиган ҳар бир давлат ана шундай мукаммал хизмат тизимига эга бўлсагина, истеъмолчи сифатида сайёҳнинг ҳуқуқлари тўла таъминланган бўлади.

Халқаро форумда истеъмолчилар ҳуқуқи бўйича муурожаатларни тезкор ўрганиш, улар устида ишлаш бўйича амалий семинар бўлиб ўтди.

— Ушбу форум барчамиз учун гоятда самарали ўтди. Сайёҳларга сервис ва хизматларни аъло даражада ташкил қилишдан ташқари уларнинг истеъмолчи сифатида ҳуқуқларини ҳамиша ва ҳар

жойда кафолатлаш туристлар оқими кўпайишига замин яратади. Бу соҳада юртингизда маданий тадбир ташкиллаштирилди. Вилотлик халқлар ҳамда бахшиларнинг воҳадаги ўзига хос санъат йўли ва усулларидаги чиқишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Халқаро форум якунида Урганч туманининг Ғойб қишлоғидаги Улло ҳовлида маданий тадбир ташкиллаштирилди. Вилотлик халқлар ҳамда бахшиларнинг воҳадаги ўзига хос санъат йўли ва усулларидаги чиқишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Рўзимбой ҲАСАН, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ТАЪЛИМ ВА IT СОҲАСИ ИСТИҚБОЛИ

Инха университетининг ана шундай кадрларни етказиб беришдаги ўрни қандай? Ахборот технологияларининг дунё илм-фани ривожидagi аҳамияти нимада? Тошкент шаҳридаги Инха университети ўқитувчиси, электротехника ва компьютер фанлари бўйича фалсафа доктори, Жанубий корейлик Хонг Жеонг билан суҳбатимиз ана шу масалалар атрофида кечди.

— **Жаноб Хонг Жеонг, аввало, таълим соҳасидаги фаолиятингиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Мен АҚШнинг Кембриж шаҳрида жойлашган Массачусетс технология институтининг электротехника ва компьютер фанлари бўйича фалсафа докториман. Педагогик фаолиятимнинг асосий қисми Жанубий Корейнинг Пхохан фан ва технологиялар университети (POSTECH) билан боғлиқ. Мазкур университетда 30 йил талабаларга дарс бердим. Хитойнинг Beijing Jiaotong университетидa икки йил фаолият юритдим. Шу йилнинг февраль ойидан буён Тошкент шаҳридаги Инха университетидa ишлаб келяпман.

— **Университет педагогик жамоаси талабаларга қайси йўналишларда таълим беради?**

— Мазкур таълим муассасаси Жанубий Корейнинг Инха университети филиали сифатида 2014 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда университетда 1500 нафардан ортик талаба тахсил олади. Университет IT, менежмент ва логистика соҳалари бўйича малакали кадрлар тайёрлайди. Дарслар инглиз тилида ўтилади.

Олий таълим муассасасида ўзбекистонлик, корейлик, ҳиндистонлик ва бошқа давлатларнинг етук ўқитувчилари талабаларга юқори даражада таълим бериб келади. Ўқув режаси электротехника ва компьютер фанлари, шунингдек, логистика, менежмент ва бухгалтерия ҳисоби бўйича асосий курсларни ўз ичига олади. Шунингдек, Мобил дастурулаш (Mobile programming), Чуқур ўрганиш (Deep learning), "Интернет нарсалар" (Internet of things) ва Блок занжир (Blocks chain) каби энг замонавий мавзулар бўйича ҳам фанлар ўтилади.

Университет ўзининг замонавий ўқув ва лаборатория мажмуаларига эга. У лаборатория ишларини бажариш учун кўнча модулар, талабалар ишини мониторинг қилиш ва баҳолаш учун дастурий таъминотни ўз ичига олади. Масалан, университетда SAP next gen lab лабораторияси ва SAP, Oracle Academy, Microsoft Imagine Academy, Asprex BI School, Cisco Academy компьютер лабораториялари очилган.

Бугунги кунда Инха университети Жанубий Корейдаги энг ривожланган университетларнинг юқори ўнталигидан ўрин

Бугунги кунда мамлакатимизда 29 та хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари фаолият юритмоқда. Бу хорижнинг илғор тажрибасини Ўзбекистон таълим тизимига кенг татбиқ этиш, дунё стандартлари асосида таълим бериш, пировардида мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладиган, дунё ёшлари билан рақобатлаша оладиган кадрларни тайёрлаш имконини бермоқда.

Жанубий Корея билан ҳамкорликда ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Инха университети ана шундай нуфузли олий таълим муассасаларидан саналади. Мазкур олийгоҳ, асосан, ахборот технологиялари соҳаси бўйича малакали кадрлар тайёрлайди. Маълумки, дунё миқёсида мазкур соҳа шиддат билан ривожланмоқда ҳамда IT мутахассисларига бўлган талаб жуда юқори. Чунки бугун бирорта соҳа ривожини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

олган. Университетнинг ютуқларга етакловчи широри уч муҳим гоани билаштиради: **"Ижодкорлик, меҳнатсеварлик ва жамиятга хизмат қилиш"**. Тошкент шаҳридаги Инха университетининг асосий вазифаси жамият ва миллат тараққиёти, ахборот технологиялари соҳасининг ривожини учун ўз ҳиссасини қўша оладиган, юқори малакали, ҳар томонлама баркамол мутахассисларни етказиб беришдан иборат. Университет олдига қўйган устувор вазифани оқлаш мақсадида бакалаврият ва магистрлик йўналишлари бўйича тахсил олаётган талабаларга халқаро стандартлар асосида илм олишга имконият беради.

Университет учун илмий изланишлар, кашфийтлар, шахсий қобилият ва масъулият каби тушунчалар катта аҳамиятга эга. Университет қонун-қоидаларига риоя этиш, талабаларда ахлоқ ва масъулият ҳиссини ўстириш шу жамият аъзоларининг вазифасига киради. Шунингдек, талабаларнинг илмий изланишлари, фан ва техника оламидаги янги гоа ва дастурларини амалга оширишларида кенг имкониятлар, зарур шарт-шароитлар яратилади ва улар рағбатлантирилади.

— **Тошкентда тахсил олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг Жанубий Корейнинг Инчеон шаҳридаги Инха университетидa ўқиши ва амалиёт ўташи учун қандай имкониятлар яратилган?**

— Тошкент шаҳридаги Инха университети филиали 10 нафар фаол ва иқтидорли талабаларга Жанубий Корейдаги Инха университетининг ёнги мактабидa бепул ўқиш имкониятини беради. Ҳар йили энг яхши ишланмалар танлов асосида танланади. Бу асл ва амалий маҳсулотлар ёки Тошкент шаҳридаги Инха университетини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар бўлиши мумкин. Ёнги яхши лойиҳалар муаллифлари ёнги мактабга рухсатнома олади. Талабалар у ерда "Корейс тили", "Шарқий Осиеннинг сиёсати ва халқаро алоқалари", "Корея ва унинг маданияти", "Корейдаги иқтисодиёт ва бизнес", "Янги технологиялар" каби курсларда амалиёт ўтади.

— **Ўзбекистонлик ёшларнинг IT бўйича билим ва малакасини қандай баҳолайсиз? Мазкур университет битирувчилари қайси йирик компания ёки ташкилотларда фаолият юритмоқда?**

— Мен университетда ахборот технологиялари бўйича бир қатор фанлардан дарс ўтаман. Хусусан, мобил дастурулаш фани бўйича уяли алоқа воситалари, смартфонларнинг дастурлари, уларнинг қандай яратилиши, ўрнатилган дастурий таъминот фанидан эса микроконтроллердан фойдаланган ҳолда ўрнатилган тизимлар учун дастурий

таъминотни лойиҳалаш бўйича талабаларга сабоқ бераман. Уларнинг назарий ва амалий кўникмаларини ошириб, ижодий қобилиятини юзага чиқаришга ҳаракат қиламан.

IT соҳаси бўйича ўзбекистонлик талабалар орасида иқтидорлилар кўп. Бироқ таълимнинг кейинги босқичида давом эттирув



чилар нисбатан камроқ. Битирувчиларнинг ақсари яти ўқишни тамомлаб, ишга жойлашшга ҳаракат қиладди. Шунга қарамай, бу соҳада муваффақият қозонаётган ёшлар талайгина. Мисол учун, Тошкент шаҳридаги Инха университети битирувчиси Дархонбек Маматалиев 2019 йил февраль ойида АҚШнинг Филадельфия шаҳридаги EPAM Global компаниясида катта дастуричи — дастурий таъминот бўйича катта муҳандис сифатида иш бошлади. Инха университети битирувчиси Нуриддин Имомхонов Google Developer Group Tashkent (GDG Tashkent) жамоасини яратди. У GDG DevFest фестивалининг ташкилотчисига ҳам айланди. Университетнинг 4-босқич талабаси Абдулло Асқаров талабалар орасида "Microsoft" компаниясининг Марказий Осиёдаги ягона ҳамкоридир. Умуман олганда, университети битириган талабалар орасида дунёнинг нуфузли ва йирик корпорацияларида, шунингдек, ҳукумат муассасаларида, илмий тадқиқот лабораторияларида фаолият юритаётганлар кам эмас.

— **Ахборот технологиялари соҳасида назарий билимларни амалиётда қўллаш, талабаларда ижодкорлик, яратувчанлик қобилиятини шакллантиришда университетнинг роли қандай бўлмоқда?**

— Аввало, шуни айтиш жоизки, IT соҳаси ривожидa таълимнинг ўрни

беқиёс. Инха университети жадал ривожланиб бораётган ахборот технологиялари асрига мос келадиган билимли, қобилиятли ва яратувчан ёшларни етиштириб чиқариш мақсадида ташкил этилган. Университет ўз талабаларига нафақат назарий ва амалий билим беради, балки шу билимни келажакда

— **Ахборот технологиялари соҳаси келажакини қандай тасаввур қиласиз? У қайси соҳалар ривожига янада кенг йўл очади, деб ҳисоблайсиз?**

— Сўнгги икки юз йилдан кўпроқ вақт давомида дунё учта саноат инқилобини бошдан ўтказди. Биринчи саноат инқило

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида илмий тадқиқотлар, IT технологиялар, стартап гоаялар, компьютер саводхонлигига жуда катта эътибор берилмоқда. Чунки бугунги тезкор замонда фақатгина илм-фан ютуқлари ва янги технологиялар орқали иқтисодий ўсишга эришиш мумкин. Шу боис, мазкур соҳа ривожига эътибор кўчайиб бораверади. Қолаверса, IT жуда сердаромад соҳалардан саналади. Dell Technologies, IBM, Cisco Systems, Accenture, Oracle, Fujitsu сингари дунёга машҳур IT компаниялар ахборот технологиялари экспортидан йилига миллиардлаб фойда кўради. Биргина Dell Technologies компаниясининг ўтган йилги даромади 92 миллиард долларни ташкил этди.

IT технологияларнинг инсоният учун нақадар аҳамиятли экани пандемия даврида — карантин шароитида янада кўпроқ намоён бўлди, десак кўпчилик фикримга қўшилса керак. Масофадан туриб ишлаш, ўқиш, озик-овқат, кийим-кечак буюртма қилиш ва бошқа масалаларда ахборот технологияларнинг имкониятлари ўз сўзини айтиди. Демакки, ахборот технологиялари тараққий этавергани сайин унга барча соҳаларда эҳтиёж ортиб бормоқда, аҳолига қўлайлик яратиб, уларнинг турмуш тарзи ва фаровонлигини яхшилаш имконини бермоқда.

— **Ўзбекистонда IT соҳасини янада ривожлантириш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Бугунги кунда Ўзбекистонда ахборот технологиялари ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2019 йилда Тошкентда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки — IT Park ҳамда вилоятларда унинг филиаллари очилгани сўзимиз тасдиғи бўла олади. Бу стартап лойиҳаларини амалга ошириш, ёшларни дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш, қобилиятли ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунга қарамай, мамлакатимизда электротехника ва машинасозлик йўналишида асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга эҳтиёж туғилишмоқда. Бу янги иш ўринлари яратиш, мутахассислар сафини кенгайтириш имконини беради. Мазкур тармоқларда инфратузилманинг кам ривожлангани туфайли битирувчилар асосан IT соҳасининг дастурий таъминот ва бошқа хизматлар соҳасида ишлашга мажбур бўлмоқда.

Яна бир масала. Ахборот технологиялари бўйича хориқда тахсил олган кадрларни Ўзбекистонга қайтариш ва уларга муносиб иш топиб бериш мақсада мувофиқ, деб ўйлайман. Бу IT соҳасидаги илғор хориқ тажрибасини мамлакатимизда кенг татбиқ этиш, билим ва тажрибани ёшларга етказиш, пировардида соҳани янада тараққий эттиришга кенг йўл очиб беради.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ суҳбатлашди.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Халқ манфаатларига хизмат қилувчи ҳужжат

Тошпўлат МАТИБАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши депутати

Мамлакатимизда муқобиллик асосида ўтган Президент сайлови халқимизнинг руҳи кўтаринки, бирдамлик, ҳамжиҳатлик туйғуси баланд эканини кўрсатди. Ёнги муҳими, ҳеч ким сайловга, Ватан тақдирига бефарқ эмаслигига гувоҳ бўлдик. Демакки, халқимиз Президентимиз томонидан илгари сурилган 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини ва унинг асосида амалга оширилган ислохотларни қўллаб-қувватлади.

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи давлатимизнинг кейинги ривожланиш даври истиқболини белгилаб беришчи тақлифлар билдирилгани билан аҳамиятли бўлди. Унда давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини илгари сурди. "Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари" деган тамойил асосида тараққиёт стратегиясининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Сиёсий партияларнинг сайловдоли дастурларидаги муҳим амалий гоа ва тақлифлар эътибордан четда қолмаслиги давлат раҳбари томонидан эътироф этилди.

Айтиш кераки, ўтган беш йилда Ҳаракатлар стратегияси асосида ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма яратиш,

малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш бериш борасида мустаҳкам пойдевор қўйилди. Президентимизнинг гояси ва ташаббуси билан жорий этилган, Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттириш, дунёнинг илғор демократик давлатлари каторидан жой олиши ва жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллаш асосий мақсад этиб белгиланган мазкур стратегия ўз мақсадларига эришди. Галдаги вазифа орта қайтмас демократик ислохотларни янги босқичда давом эттириш.

Тараққиёт стратегиясида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг еттита устувор йўналиши белгилаб берилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида мамлакатда янги босқичдаги демократик ислохотларни янада чуқураштириш ва самарадорлигини таъминлашга оид аниқ чора-тадбирлар, тақлифлар ўз аксини топган. Бу



йўналишларнинг ҳар бири мамлакатнинг ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиши, тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлиқни, миллатлараро тотувлиқни таъминлаш, иқтисодиётни юксалтириш, таълим ва тиббиёт соҳасини, аҳоли ижтимоий ҳимоясини юксалтириш ва ҳимоя қилиш нуктаи назаридан ҳам муҳимдир.

Тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналишида демократик ислохотларни чуқураштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини

ривожлантириш, маҳалла тизимини ҳокимиятлар билан боғлаш, жамоатчилик назорати механизминини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш назарда тутилган.

Фуқаролик жамияти қуриш ҳақида гап кетганда, ҳокимлар ваколатини қайта кўриб чиқиш, маҳаллий депутатлик кенгашларининг ваколатларини кенгайтириш пайти келди, деб ўйлаймиз. Чунки ҳокимларнинг депутатлар корпуси олддаги ҳисобдорлиги, маҳаллий депутатлик органлари томонидан жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши давлат дастурлари ижросининг таъминланишига, маҳаллий ҳокимият идоралари масъулияти ва жавобгарлигининг оширилишига хизмат қиладди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағаллиқни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда. Бу жуда катта марра. Унинг амалдаги ижроси халқимиз манфаатларининг рўёби демакдир.

Тараққиёт стратегиясидаги уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қўлай яшаш шароитларини яратиш, қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга эришиш мақсадлари ҳам эътиборга молик. Зеро, ушбу йўналишда қабул қилинган

Давлат дастурлари, жумладан, арзон уй-жойлар дастури асосида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва яқна тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу — олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди, дегандир. Натижада аҳолининг эҳтиёжманд, кам таъминланган қисмига арзон уй-жой берилди.

Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда ҳудудлараро мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича йирик лойиҳалар ҳам фуқаролар манфаатларига хизмат қиладди.

Стратегиядан адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омилли ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласи, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва саломатлигини сақлаш, фан, таълим, маданият ва спорт соҳасини такомиллаштириш масалалари ҳам ўрин олганки, уларнинг ижроси Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар каторидан ўрин олиши гаровидир.

Ўзбекистонимизда ҳеч ким эътибордан четда эмас. Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳам, хотин-қизлар ҳам. Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш,

уларнинг ўз салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида Миллий дастур қабул қилиниши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлашнинг ишончли қафолати Булган Қуролли Кучларини қудратини янада ошириш, ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, моддий таъминотини янада яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш сиёсати, ташқи сиёсатда очик, прагматик ва чуқур ўйланган сиёсат, минтақа ва дунё давлатлари билан ўзаро манфаатли ва кўпқиррали алоқаларни кенгайтириш хавфсизлигимиз ва суверенитетимизни мустаҳкамлаш, дунё маконидagi обрў-эътиборимизни янада ошириш масалалари ҳам Тараққиёт стратегиясида қамраб олинган.

Мухтасар айтганда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беради. Бу йўналишлардаги вазифалар ҳақида гапириш осон. Ёнги қийини — уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш. Белгиланаётган вазифалар ижроси ҳар биримиздан, партия фаолларидан уйғоқликни, масъулиятни чуқур ҳис этишни, жойлардаги мутасадди ташкилотлар раҳбарларини жамоатчилик назорати орқали "муद्रоқлик уйқуси"дан уйғотишни талаб этади. Биз, халқ сайланган депутатлар ҳам юрт равнақи, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган вазифалар ижросини таъминлашда бор салоҳиятимиз ва имкониятларимизни ишга солишимиз шарт ва зарур.

